

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Зайнабидинов С.З., Мадаминов Х.М. Флуктуация проводимости и релаксационные свойства твердых растворов $\text{Si}_x\text{Sn}_{1-x}$ ($0 \leq x \leq 0.04$) при облучении гамма-квантами.....	2
Gulyamov G., Baymatov P.J., Davlatov A.B., Gulyamov A.G. The effect of temperature and band nonparabolicity on density of states of one dimensional electron gas.....	7
Рахмонов Т.Т., Камиллов Ш.Х., Хамидов Ш.Р., Абдуллаев Ш.У. О развитии преобразователей солнечной энергии как источника электроэнергии.....	11
Мўминов Б.Б., Эшонкулов Х.И. Видеоскватер курилмалари орқали автомобилларнинг рўйхатдан ўтган давлат рақами белгиларини аниқлаш.....	16
Мирзаев А.А., Хусанов И.Н., Наврузов Д.П. Об одной реологической сложной модели, созданной на основе деформации сред по инерции.....	19
Расулов Т.Х., Мустафоева З.Э. Описание спектра одной операторной квадратичной матрицы порядка 4.....	23
Ismoilova M.N. The advantages of using web technologies in the e-commerce market.....	28
Жураев Р.М. Уравнение кривой соприкасающейся плоскости.....	32
Саломова Х.Ю., Эргашов М.Я. Табный-экологик мезьринг биосферани асрашдаги амалий аҳамияти.....	35
Джурова Н.Р., Исабаев И.Б. Разработка рецептуры мучных кондитерских изделий с использованием растительно-жировых смесей.....	41
Нарзиев М.С., Абдурахмонов О.Р., Хабибов Ф.Ю. Пахта ёғи мицелласини якуний дистилляциялаш усуналарининг тизимли таҳлили.....	45
Шарипов М.С., Рахмонов У.У. Бентонитлар ва суда зрувчан синтетик полимерлар асосидаги композицияларнинг сорбцион хоссапарлари ва устмолекуляр структуралар ҳосил қилиш жараёнларини ўрганиш.....	50
Хасанов Б.Б., Каримова Ф.Р. Влияние экспериментального токсического гелятита на морфометрические особенности развития молочной железы первородящих крыс в динамике беременности и лактации.....	55

• TILSHUNOSLIK

Абдурахмонов Ф.И. Семантические классы глаголов с синтаксической формой словосочетания по управлению винительным падежом с предлогами и их соответствия в узбекском языке.....	59
Абишов Г.М. Чимбой топонимлари таркибидagi оронимик терминлар.....	63
Низамова У.С. Турли тизимли тилларда редупликациянинг моҳияти.....	66
Саидова М.У. Фонетик тасвирий воситаларнинг изоҳли лугатларда берилиш муаммолари.....	70
Жапполова Ш.М. Феълларнинг шахс-сон, бўлишли-бўлишсизлик ва тахсис морфологик категориялари ўртасидаги изоморфизм ва алломорфизмлар (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида).....	75
G'ulomova Sh.Q. O'quvchilarning nutq madaniyatini shakllantirishda evfemizmlarning o'rni.....	80
Хамраева Ш.М. Корпус тузиш тамойиллари.....	83
Шукурова К.Ш. Символическая значимость поэтической детали и заглавия.....	89
Tursunova D.Sh. Linguistic application of code switching as communicative strategy in language learning.....	92
Sapayeva S.O. Peculiarities of cognitive metaphor of space and time in the english and uzbek languages.....	97
Namozova K.B. Xalqlar muloqot madaniyatini o'rganishda frazeologizmlarning ahamiyati.....	102

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Курунов Д.Х. Насрий нутқнинг ритмичлиги.....	105
Хайитов Ш.А. Зайд Захоб тимсоли.....	113
Қобилов У.У. Алишер Навоий шеърини бадий образ, рама ва деталлар таҳлили.....	117
Азимов С.Р. Аслият ва таржимада жоилантириш.....	124
Шерназаров А.А. Қашқадарё тожикларининг ҳинд-бандон маросими қушқлари ҳусусида.....	129

Нарзуллаева Д.С. Момо култига алоқадор маросимларнинг турлари ва уларнинг ўтказилишида момонинг ўрни ва роли.....	133
Жураева С.Р. Рубоий, замонавий мураббаъ ва тўртлик жанрларини ўрганишдаги муаммолар.....	137
Расулова З.Ж. Халқ эртақларида ўзбек халқининг совчилик удуми.....	143
Вохидова Н.Н. Деятельность Сомерсета Моэма как литературного критика.....	149

• NAVOIY GULSHANI

Ўраева Д.С. Навоий "Хамса"сида иймон белгиларининг бадий таълиқи.....	153
---	-----

• FALSAFA VA HUQUQ

Шодмонов К.Б., Ташева Н.З. Тарихий-фалсафий билимларни тушуниришнинг интеллектуал контексти.....	156
Музаффаров Ф.Д. Муҳаммад Ғаззолийнинг "Насихат ул-мулк" асари ҳақида.....	161
Қодилов Д.Х., Шаропов Д.Р. Тасаввуф ва нақибандия тарихига доир мавзлар.....	165

• TARIXSHUNOSLIK

Хайитов Ш.А. Файзулла Ҳўжаев тимсоли – Бухоро эълилари таълиқида (истиқлол даври тадқиқотлари асосида).....	170
---	-----

• IQTISODIYOT

Наврўз-Зода Б.Н. Туризмни ривожлантиришнинг инновацион рақобатбардорлик модели.....	174
Орипов М.А., Умаров Н.Т. Ўзбекистонда қорвчиликни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асосларини таҳминлаштириш.....	181
Ibragimov N.S. 7M darajada raqobatbardosh ekskursiya xizmatlarining ilmiy asoslari.....	184

• PEDAGOGIKA

Қаҳҳоров С.Қ., Агоева М.Ф., Жамиллов Ю.Ю. Интерфаол технологиялар асосида физикавий мавзуларни ўқитиш методикаси.....	189
Kuldoshev Kh.M., Ablizova G.A., Kirgizboeva M., Murodiloeva Z.H. The importance of using electronic multimedia interactive courses in teaching foreign languages.....	197
Sayidova N.S., Kazimova G.X., Salimova M.N. Adobe photoshop dasturi va unda matnlar ustida olib boriladigan amaliy ishlar.....	202
Kadirov R.X., Qurbonov J.I. Хотин-қизлар спортга ҳос жисмоний фаоллик қонуниятларини ўрганишнинг методологик ёндашувлари.....	208
Хасанова Г.Қ. Қасб педагогикасида инновацион технологияларнинг аҳамияти.....	211
Akobirova Z.R. Achieving academic and social success in the united states: challenges and perceptions.....	217
Urunbaeva J.I. European practice in the usage of different collaborative technologies in contemporary foreign language training courses.....	221
Usmanova N.H. Enhancing student's performance through portfolio assessment.....	226
Ниязова Г.Д., Саидова Г.Э., Саидова Г.Э. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда муаммоларни ўқитиш технологияларидан унумли фойдаланиш усуллари.....	229
Хамроев И.Т. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашнинг ўзига ҳос хусусиятлари.....	234
Rustamov H.Sh., Tohirov B.N., Hasanova O.X. Havaskor webdizaynerlar uchun bepul hosting saytlari orqali web saytlar yaratish.....	239
Файзиева У.А., Назаров А.М. Мулоқот – шахслараро муносабатларда самарали таъсир восита сифатида.....	243

• SAN'ATSHUNOSLIK

Қўшаев И.А. Анъанавий мусиқий мерос ва унинг турлари.....	247
---	-----

• QUTLOV

Абузалова Меҳринисо Қодиловна.....	253
------------------------------------	-----

• E'LOH

"Бухоро давлат университети илмий ахбороти" журналіда мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	256-257
---	---------



*Агар бу зотни авлиё десак, у – авлиёларнинг авлиёси,
мутафаккир десак – мутафаккирларнинг мутафаккири,
шоир десак – шоирларнинг султони дур.*

И.А.Каримов

НАВОИЙ "ХАМСА"СИДА ИЙМОН БЕЛГИЛАРИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Ўраева Дармоной Саидахмедовна

БухДУ профессори, филология фанлари доктори

Ҳозиргача яратилган "Хамса"ларнинг барчасида мусулмонликнинг беш фарзи ёки унда биринчи ўринда турувчи "иймон" фарзининг етти белгиси талқини алоҳида ўрин тутиши кузатилади. Агар Алишер Навоий қаламига мансуб "Хамса" асари таркибидаги дostonлар мазмунига исломдаги беш фарз талаблари нуқтаи назаридан диққат қаратилса, унинг илк дostonи бўлган "Ҳайрат ул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши")нинг биринчи мақолоти бевосита иймон ҳақида эканлиги бежиз эмаслиги англашилади. Мақолотнинг дастлабки байтиданок иймоннинг инсон ҳаётидаги ўрни қуйидагича таърифланган:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишони анга иймон эрур.

Бундан кўринадики, Навоий исломнинг беш фарзи орасида иймон одамийликнинг ёрқин белгиси эканини таъкидлайди ва шоир "Хамса"нинг бошидан-охиригача иймонли бўлиш талабларини муайян бадиий образлар воситасида очиқ беришга ҳаракат қилади. Бу уринишни у Фарҳод образи орқали бошлайди.

Маълумки, исломда етти нарсага шубҳасиз ишонадиган киши иймонли ҳисобланади ва ислом сафидан муносиб ўрин эгаллай олади. Биринчиси – етук ҳикмат ва ўзгармас қонуният асосида қурилган олам ва унинг ичида ҳар бири алоҳида олам бўлган инсонни яратган азалий ва абадий куч – Оллоҳга ишониш бўлса, иккинчиси – олам жумласидан бўлган кўзга кўринмас руҳоний мавжудот – фаришталар борлигига; учинчиси – Оллоҳ инсониятга ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун қадим замонлардан бошлаб ўзлари ичидан бирини воситачиликка танлаб келган ва уларга фаришталар орқали илм ва маърифат инъом этган пайғамбарларга; тўртинчиси – Оллоҳнинг фаришталар орқали ўз пайғамбарларига жўнатган китобларига, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳи-с-салом)га берилган Қуръони Карим Оллоҳнинг муқаддас китоби деб ишониш; бешинчиси – охират кунига, қайта тирилишга; олтинчиси – тақдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳдан эканига; еттинчиси – ўлимдан кейин қайта тирилмоққа, жаннат ва дўзахга ишониш.

Ҳаққоният ва одамийликни ниҳоятда улугловчи ислом дини поклик, хушхулқлик, ҳаё-ибо, инсоф, меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик, яхшилик, саховат, тўғрисўзлик, адолат ва ҳоказо каби инсоний фазилатларни кенг тарғиб этадики, шундан келиб чиқиб Навоий ҳам "Ҳайрат ул-аброр" дostonида одамийлик белгиларини шарафлайди.

"Хамса"нинг иккинчи дostonи бўлган "Фарҳод ва Ширин"да эса Навоий мана шу инсоний фазилатларни Фарҳод сиймосида очиқ беришга эътибор қаратгани сезилади. Натижада, дostonда Фарҳод комил иймонли инсон образида гавдаланади. Шоир, аввало, унинг Оллоҳга ишонч туфайли кўнгли пок, кўзи пок, сўзи поқ ўзи пок бўлиб етишганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Яна у Фарҳоднинг уч ойда савод чиқарганини, бир йил ичида

Қуръонни ёд олгани ва жаҳонда у тубига етмаган илм қолмаганини таъкидлайдики, бу билан ижодкор инсонларни тарбиялаб етиштиришда илмга асосланган эътиқод ва ибодат таянч ва восита бўлишлигини эътироф этади. Негаки, илм Оллоҳни танитади. Фарҳоднинг Қуръонни ёд олгани алоҳида таъкидлаб ўтилиши орқали шоир иймоннинг тўртинчи белгиси саналган "Оллоҳнинг фаришталар орқали ўз пайғамбарларига жўнатган китобларига ишониш, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳи-с-салом)га берилган Қуръони Карим Оллоҳнинг муқаддас китоби деб ишониш" тушунчасини ўзига хос ифода этган.

Умуман айтганда, "Фарҳод ва Ширин" достонида илоҳий ва аниқ фанлардан етарли билим эгаллай олгани учун Фарҳод табиат сирларини ҳам кашф этади. У тоғдаги тошларни қийналмай кесиб, сув оқишига йўл очади. Яна Фарҳод меъмор Боний (ишқ биносини қуришни ўргатувчи пир)дан, наққош Моний (Оллоҳ ишқини қалбга нақшлаш сирларини ўргатувчи устоз)дан, тошйўнар Қоран (қаттиқ нафсоний истакларни парчалаш илмини билдирган муршид)дан илм ва ҳунар сирларини эгаллаб, оққўнғил, тоза виждонли, покдил, меҳнатсевар бўлиб етишади.

Шоир Фарҳоднинг ишқи инсон ишқидан Оллоҳ ишқига ўсиб боришини тасвирлайди. Достонда Оллоҳга ишқ, иймонлилик нафси енгил қуроли сифатида кўрсатилган.

Иймон мукаммал бўлишида "олам жумласидан бўлган кўзга кўринмас руҳоний мавжудот – фаришталар борлигига ишониш" муҳим шартлардан биридир. Шунини инобатга олиб, Навоий бош қаҳрамон Фарҳодни Аждар, Аҳриман дев каби мифологик тимсолларга рўпара қилади. Фарҳод Юнонистондаги тоққача уч манзилдан ўтар экан, беш юз йилдан бери ғор ичра яшаётган Сухайло берган афсонавий қуш – оловда туғилувчи Самандар ёғини танасига суртиш орқали Аждарни ўлдириб, Искандар ва Фариддун бойлигини қўлга киритади. Аҳриман девни мавҳ қилиб, қандил ичидаги Сулаймон узугини олади. Сўнгра Жамшид жомига эга бўлади. Бу мотивлар воситасида Навоий инсон Оллоҳ мўъжизаларига ишониши зарурлигини билдиради.

Достонда Хизрнинг, Сухайло ва Суқрот каби авлиё зотларнинг Фарҳодга йўл кўрсатиши, Сухайло ва Суқротнинг ақл бовар қилмас даражада қўл йил (ярим аср) яшагани, яна уларнинг бош қаҳрамонга тилсим нарсалар бериши (масалан, Суқротнинг Мулкорога умрни узайтирувчи сирли тошни тортиқ этиши) каби мотивлар нафақат инсоннинг Оллоҳ мўъжизаларига ишончини, шунинг баробарида Оллоҳ инсониятга ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун қадим замонлардан бошлаб ўзлари ичидан бирини воситачиликка танлаб келгани ва уларга фаришталар орқали илм ва маърифат инъом этган пайғамбарларга ишониш зарурлиги талабини қўйишини англашга туртки беради. Негаки, бу ҳам иймон белгиларидан бири саналади.

Фарҳод ўз васиятини боди сабо орқали яқинларига йўллар экан, онасидан: "Мени розилигингдан навамид қилма, дўзах ўтига солма" дея сўраши мотиви мазмунига иймон мукаммалигининг "охират қунига, қайта тирилишга, тақдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳдан эканига; жаннат ва дўзах борлигига ишониш" шарти сингдирилгани англашилади.

"Хамса"нинг навбатдаги "Лайли ва Мажнун" достонида Мажнун ёки Қайс ибн Мулаввахнинг илоҳий ишқи ёритилган. Ундаги энг кульминацион нуқта – Мажнуннинг каъба зиёратига боришида намоён бўлади. У каъба зиёрати чоғида Яратганга ялиниб: "Чек айнима ишқ тўтиёсин, Ур қалбима ишқ кимёсин", – дея илтижо қилади.

Мажнуннинг ўз ишқига етиш йўлида эртадан-кечгача Оллоҳ номига илтижо қилиши, маълум бир вақт емоқ-ичмоқни ҳам унутиши исломдаги намоз ўқиш, рўза тутиш талабларини айнан ифода этмаса-да, унга яқинлиги билан эътиборни тортади.

"Сабаъи сайёр"да бош қаҳрамон Баҳромшоҳ рассом Монийдан Дилором ҳақида билиб қолгач, Хитойнинг бир йиллик хирожини тўлаб, қизни юртига олиб келади. Овда Дилором уни мақташ ўрнига "Бу маҳорат – машқнинг натижаси" дегани учун Баҳром севгилисини узун сочлари билан боғлаб, чўлга ташлаб кетади. Қизни хоразмлик карвон топиб олади. Баҳром эса бундан ўзи таъсирланиб, касал бўлади. Уни ҳатто бир-биридан зўр тўрт юз табиб ҳам тузата олмайди. Бу мотивлар воситасида Навоий исломга хос "Ўзинг учун яхши кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмагунингча мусулмон бўла

олмайсан. Тили ва қўлидан бировга зарар етмайдиган кишигина мусулмондир" сингари ўғитларни ўқувчиларга сингдиришни кўзда тутганга ўхшайди.

Ислонда закот бериш молиявий ибодат сифатида қаралади. Унга кўра, бойлиги муайян миқдорга етган мусулмонлар йилида бир марта ҳақдорларга закот бериши фарз қилиб белгиланган. Шу жиҳатдан қаралса, "Садди Искандарий" достонидаги "хирож тўлаш" мотиви закот бериш фарзига айнан мос келмаса-да, барибир эътиборни тортади.

Энг муҳими, шу дoston сўнггида бош қаҳрамон Искандарнинг онасига васиятида дунёни олган эсам-да, қўлларим у дунёга бўш кетаётганини барча кўриши учун тобутимдан чиқариб қўйинглaр дейиши, инсоннинг ўзига берилган умр мазмунини англаши муҳимлиги, ҳаётини беш фарз амаллари билан беазаган инсонгина бу ҳақиқатга эришиши тайинлиги ифодасидир. Шу жиҳатлари билан "Хамса" диний-маърифий, ахлоқий-таълимий моҳият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. 7-том. – Т.: Фан, 1991. – 392 б.; Фарҳод ва Ширин. 8-том. – Т.: Фан, 1991. – 3544 б.; Лайли ва Мажнун. 9-том. – Т.: Фан, 1992. – 356 б.; Сабаи сайёр. 10-том. – Т.: Фан, 1992. – 448 б.; Садди Искандарий. 11-том. 7-том. – Т.: Фан, 1993. – 640 б.
2. Воҳидов Р. Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1994. – 210 б.
3. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Т.: Ф.Ғулом, 1991. – 184 б.